

Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2014 йил

Соғлом бола
йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2014-ЙИЛ 17-ОКТАБР, ЖУМА, 124 (8361)-сон

1974-йил 1-январдан чиқа бoshлаган
Bahosi kelishilgan narxda.



Жиззах вилояти Зомин туманидаги "Қизилой" қишлоқ врачлик пункти Қизилой, Иттифок, Тўрттош, Сирғали қишлоқларидаги 5 минг 300 нафардан ортик аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқда. 4 ўринли кундузги стационарга эга маскан жорий йилда ҳудуднинг барча аҳолисини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказди.



Ўзбек тили энг бой, имкониятлари кенг, мушқавор ширали тилдир. Қолаверса, инсон ўзлигини, наслнасини ўз она тили воситасида англайди, юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси, эзгу амаллари шу тил орқали илдирилади, улғаяди.



Олтин куз ўзининг саховатини намойён этмоқда. Боғлардаги мўл ҳосил бозорларимизу дастурхонларимиз тўқинлигини таъминламоқда. Серкуёш, тупроғи олтин юртимизда етиштирилган сархил мева-лар шиғобахшлиги ва дармондорилиги билан ҳам ажралиб туради.

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

Куннинг муҳим воқеалари

► Пойтахтимизда дзюдо бўйича Гран-при туркумига кирувчи халқаро турнир бошланди. Халқаро дзюдо федерацияси шафелигида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси ҳамда мамлакатимиз дзюдо федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур турнирда 42 давлатдан 280 нафардан ортик спортчи совринли ўринлар ва 2016 йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўладиган XXXI Олимпия ўйинларига йўлланма берувчи рейтинг очколари учун беллашмоқда.

► Ўзбекистон Бадий академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими қошида хунармандликни ривожлантириш маркази очилди.

► Гулистонда тadbirkorлик соҳасини янада ривожлантиришга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Тадбирда ички ва ташқи бозор конъюнктурасини ўрганиш, менежмент ва маркетинг ишларини юритиш ва тadbirkorлик раёнаки хусусида сўз юритилди.

► Андижонда "Биз терроризмга қаршимиз" шиори остида маънавий-маърифий тadbirkor бўлиб ўтди.

► Самарқанд вилояти ўлкашунослик музейида "Гуллуб-яшна, она – Самарқандим!" шиори остида гуллар байрами ўтказилди. Самарқанд шаҳри кўни муносабати билан ташкил этилган тadbirkorда шаҳар жамоатчилиги вакиллари, гулчилик ҳўжаликлари ва хаваскор гулчилар ўзлари етиштираётган турли хил гул ва бутасимон ўсимликлари, гулдасталарни намойиш этди.



КИЧИК БИЗНЕС УСКУНАЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ "КЎРГАЗМА САВДО МАРКАЗИ" МАЖМУАСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН "КИЧИК БИЗНЕС МАҲСУЛОТЛАРИ ВА УСКУНАЛАРИ" ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ ИШ БОШЛАДИ.

Унинг очилиш маросимида бозорларимиз тўқинлигини таъминлаётган ва рақобат муҳитини шакллантираётган кичик бизнес иқтисодиётимизнинг юқори суръатлар билан янада ривожланишига кўмаклашаётгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 7 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари учун рағбат бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда ўтказилаётган халқаро кўргазмалар бу борада муҳим аҳамият касб этаётди. Иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, қўлай инвестиция муҳитини шакллантиришга қаратилган ушбу кўргазмаларда Ўзбекистонда бизнесни ривожлантиришнинг кенг имкониятлари намойиш этилмоқда. "Кичик



бизнес маҳсулотлари ва ускуналари" халқаро кўргазмаси ҳам бунинг ёрқин тасдиғидир.

Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари стендлари кўргазмага келганларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Масалан, юртимизда ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотлари, табиий хомашёдан тайёрланган пойабзаллар юқори баҳоланмоқда.

иштирокчиларидан биридир. Мазкур гуруҳнинг асосий фаолияти технологик ускуналар ҳақида маълумотлар топишга кўмаклашиш, мамлакатимизга келтириладиган юкларни етказиб беришни ташкил этиш, туризм, логистика, консалтинг, лизинг ва бошқа хизмат турларини тақдим этишга қаратилган.

Автомобиль, йўл чироқлари ва кўш энергиясида ишлайдиган бошқа приборлар ишлаб чиқаришга иxtisosлашган "Хуаньде" компанияси стенди ҳам кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда. Бу ерда кўш панеллари, телефон қувавт олиш қурилмалари, болалар ўйинчоқлари билан танишиш мумкин.

Кўргазма доирасида давра суҳбатлари, тақдиротлар, маҳорат сабоқлари ва амалий музокаралар ташкил этилади.

Муҳаммад ҚАРШИБОВЕВ,
ЎЗА мухбири.

18 ОКТЯБРЬ – САМАРҚАНД ШАҲРИ КУНИ

ДУНЁ ТАВХАРИ, ШАРҚ МАРВАРИДИ

Қарийб уч минг йиллик умри мобайнида бу кўҳна замин доимо тарихий ўзгаришлар, буюк эврилишлар марказида бўлиб келди. Искандар истилоси, араблар юриши, мўғуллар босқини бу шаҳарнинг матонатини, сабру тоқатини синовдан ўтказди. Ғанимлар томонидан қайта-қайта ёндирилган, таланган, горат қилинган шаҳар барибир худди афсонавий қақус каби култепалар устидан яна қад ростлайверди. Қад ростлаганда ҳам аввалгисидан-да гўзалроқ ва буюкроқ бўлаверди. Айниқса, соҳибқирон Амир Темур ҳукмронлигида Самарқанд марказлашган қудратли давлатнинг пойтахти сифатида етти иккимга доврўқ таратди. Илму фан, диний ва дунёвий илмлар ўчоғи бўлган Самарқанд, савдо-сотик соҳасининг ривожига ҳам улкан ҳисса қўшди.

Натижада, Буюк ипак йўлининг асосий нукталаридан бири бўлган шаҳар мағрибу машриқни, жануб ва шимолни том маънода боғловчи муҳим манзилга, Турон, Туркистон, Марказий Осиё заминидagi буюк марказга айланди. Шу маънода Самарқанд йигирма саккиз асрлик тараққиёти давомида Марказий Осиёнинг бепоён худудидида кечган ижтимоий-сиёсий ҳодисалар, цивилизация ва маданий жараёнлар марказида бўлиб, қандад-қанча ўлмас аънава ва қадриятлар, не-не улуг зотларнинг муборақ номлари ва хотирасини, бой тарих, бебаҳо мерос намуналарини асраб-авайлаш, неча авлод вақилларини Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашдек мураккаб ва шарафли вазифани бажариб келди ва бу давом этипти. Мустақиллик йилларида эса

ҳақли равишда "Ер юзининг сайқали" деб номланган бу шаҳар учун ҳақиқий яшариш ва яшаш даври бошланди. Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан 1996 йилда Президентимиз фармонида кўра Самарқанд шаҳрига Амир Темур ордени берилди. Ўша тарихий сана – 18 октябрь Юртбошимиз ташаббуси билан Самарқанд шаҳри кўни деб эълон қилинди. Ана шу йилларда бу шаҳарда амалга оширилган бунёдкорлик ва яратувчилик ишларининг қўламини асрларга татийди десак, муболага бўлмайди. Регистон мажмуаси, Амир Темур, Рўҳобод мақбаралари, Шохи Зинда ёдгорлиги, Ҳазрати Хизр, Бибихоним масжидлари, Мирзо Улугбек расадхонасида кенг қўламли таъмирлаш ва реконструкция ишлари бажарилди. (Давоми 4-саҳифада)

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича дастурнинг мазмун-моҳияти ва вазифаларига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Ф.Ражабов, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг биринчи ўринбосари Б.Алимухамедов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнида аҳоли бандлигини таъминлашга қаратиладиган доимий эътибор халқимизнинг турмуш даражаси ва сифатини янада оширишга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда бу борада ислохотларни ҳаётга татбиқ этишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган ва муттасил такомиллаштирилмоқда. Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ҳар йили махсус дастур ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

2015 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган дастур лойиҳасида ушбу йўналишда амалга оширилаётган устувор вазифалар ифодасини топган. Унга кўра, 2015 йилда 987,5 минг янги

иш ўрни яратилиши режалаштирилган. Бу жараёнда иш билан банд бўлмаган аҳолини, хусусан, ёшлар ва аёлларни ишга жойлаштириш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, меҳнат бозоридида фаол ва аниқ мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Дастур лойиҳасида таълим муассасалари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бу борадаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда тегишли вазирлик ва идоралар, ҳўжалик бошқаруви органлари, ҳўқимликлар, корхона ва ташкилотлар иштирокида ҳар бир туман миқёсида махсус чора-тадбирлар ишлаб чиқиш белгиланган.

Давра суҳбатида 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳасини янада такомиллаштириш, бу соҳада қонунчиликда белгиланган вазифаларни ҳаётга ижтимоий таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан тақлифлар билдирилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири.


«Обуна — 2015»



Азиз юртдошлар!

Қишлоқларимиз ҳаёти,
Ислохотлар самараси,
Шу куннинг нафаси,
Лавҳаларда акс этган жараён,
Орамиздаги фидойи одамлар,
Қизиқарли маълумотлар,
Ҳаётнинг долзарб муаммолари,
Ахборот ва воқеалар тафсилоти,
Ёшларга берилаётган имкониятлар,
Техник ва технологик янгиланишлар,
Инновацион лойиҳалар

билан яқиндан танишай десангиз, «Qishloq hayoti» газетасига 2015 йил учун обуна бўлинг!



Дунёда шундай шаҳарлар борки, улар нафақат қадимий тарихи, мураккаб ва шонли ривожланиш йўли, балки асрлар, минг йиллар давомида бажариб келган ижтимоий-сиёсий, маданий вазифаси билан ҳам, аввало, ўз халқни, қолаверса, бутун башариёт ҳаётида чўқур из қолдирган, миллий ифтихор ва тараққиёт рамзига айланиб кетган. Юртимизда шундай шаҳарлар қаторидан мустаҳкам ва муносиб жой эгаллаб, жаҳон аҳолининг ҳақан эътирофига сазовор бўлиб келаяётган шаҳарлар кўпи. Уларнинг ҳар бири - тенгсиз бойлигимиз, бизни дунё билан, ўтмишни келажак билан боғлашга хизмат қиладиган, миллий қадриятларимизни авлоддан авлодга безавол ўтказиб келаяётган муқаддас қўргонларимиздир. Ҳеч шўбҳасиз, улар орасида қадим ва ҳамиша навақирон Самарқанд шаҳрининг ўрни ва аҳамияти беқийс.

21 октябрь — Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни қабул қилинган кун

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида она тилимизнинг маъқеи янада мустаҳкамлашга, тилимизнинг бой ва сермазмун моҳиятини, куч-қудратини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Пировардига, Истиқлол йилларида ўзбек тилининг қўлини доираси амалда ниятда кенгайтири, уни илмий асосда ри- вожлантиришга қаратилган тадқиқотлар, ти- лимизнинг ўзига хос хусусиятларига бағиш- ланган илмий ва оммабоп китоблар, ўқув қўлланмалари, янги-янги луғатлар кўлаб чоп этилаётгани хамият тафаккурини юк- салтиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

ТИЛ БОЙЛИГИ — ДИЛ БОЙЛИГИ

Давлатимиз раҳбарининг “Юксак маъна- вият — энгилмас куч” асарида таъкидлан- гандек, ўтган давр мобайнида давлат ти- лининг ҳаётиимиздаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, уни том маънодаги миллий қадриятга айлантириш йўлида улкан ишлар амалга оширилди. Истиқлол йилларида ўзбек тилининг қўлини доираси амалда ниятда кенгайтири, уни илмий асосда ри- вожлантиришга қаратилган тадқиқотлар, ти- лимизнинг ўзига хос хусусиятларига бағиш- ланган илмий ва оммабоп китоблар, ўқув қўлланмалари, янги-янги луғатлар кўлаб чоп этилаётгани хамият тафаккурини юк- салтиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Айниқса, давлат тилининг халқаро миқёс- да ҳам фаол мулоқот воситасига айланиб бораётгани эътиборлидир. Хусусан, хори- жий мамлакатлар раҳбарлари билан бўла- диган учрашув ва суҳбатлар, музокаралар, тегишли ҳужжатларни имзолаш маросим- ларида, нуфузли саммитларда, расмий мат- буот анжуманларида ўзбек тилининг ўрни ва аҳамияти ортиб бораётгани хаммамиз- га гурур-ифтихор бағишлайди.

Маълумки, 1989 йилнинг 21 октябрида Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаб- буси билан “Давлат тили ҳақида”ги Қону- нининг қабул қилиниши хамда Ўзбек тили- га Давлат тили қонунининг берилиши она тилимиз маъқеи юксалтиришда тамал тоши бўлиб хизмат қилди. Ўтган давр мо- байнида тилимиз гузаллигию жозибасини, унинг кенг маънодаги ижтимоий-сиёсий им- кониятларини юзага чиқариш борасида муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Халқимиз тилга эътибор — элга эъти- бор эканини теран англайди. Таъкидлаш ло- зимки, тилининг ривожини таъминлаш, ав- вало, хамиятда тил ҳақидаги тушуначалар- нинг барқарорлигига, тил эгаларининг бе- баҳо бўлишга ҳурмат-эҳтиромига боғлиқ. Ўзбек тили таълими мазмунининг тубдан ислох қилинган, шунга мувофиқ янги дарс- ликлар яратилгани, уларнинг наشرдан- нашрга тўлдирилган ва такомиллаштирил-

ган ҳолда чоп этилаётгани ёш авлоднинг тил тарбиясида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу ўринда, давлатимиз раҳбари ташаб- буси билан 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги Қонун хам она тилимиз равнақи йўлидаги муҳим қадамлардан бири эканлигини таъ- кидлаш лозим. Ўтган давр мобайнида ана шу Қонун ижросини таъминлаш бўйича жуда катта ишлар амалга оширилди. Аввало, ўзбек тилининг лотин ёзуви асосидаги имло қоидалари ишлаб чиқилди ва ҳаётга тат- биқ этилди. Бугунги кунда мамлакатимиз- да таълимнинг барча босқичларида лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбоси асоси- да билим берилмоқда.

Ойбек ўзининг “Навоий” романини Ҳирот тасвиридан бошлайди: “Баҳор кўёши қўннинг тиниқ ферузасида, “Гавхаршод” мадрасасининг хайбатли гумбази устида порлар, азамат пештоқларнинг нақшлари шуълаларда жонли, ҳавойи бир чаманзор каби турли-туман олов ранглар чакнатар, қабулларлар дам учиб, дам сирпаниб қўниб, гумбаз теварағида қувонч билан иноқ ўйна- шар эди”.

Ёрқин бир манзарани кўз олдимизда гав- далантирувчи бу гузал тасвир ўзбек тили- нинг энг яхши классик ва замонавий анъа- наларини бир-бирига санъаткорона пай- ванб қилиш натижасида майдонга келади, деб ёзган эди Пиримқул Қодиров ўтган аср- нинг 70 йилларида “Тил бойлиги — дил бой- лиги” сарлавҳали мақоласида. Дарҳақиқат, ўзбек тили энг бой, имкониятлари кенг, музикатор ширали тилдир. Қолаверса, ин- сон ўзлигини, насл-насабини ўз она тили воситасида англайди, юрагига Ватанга муҳаббат туйғуси, эзгу амаллари шу тил орқали илди этади, улғаяди.

Зоҳида МУҚИМОВА,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейининг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

Хоразм Вилояти


БАРХАНЛАР БАҒРИДАГИ МЕҲМОНХОНА

Мустақиллик йилларида Президенти- миз Ислам Каримов раҳнамолигида туризм инфратузилмасини изчил ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Хоразм вилоятида ҳам истикболли соҳа – сайёҳликни янада равнақ топтириш, хусусан, экотуризм йўналишида янги лойиҳа- ларни рўёбга чиқариш борасидаги ишлар жадал давом эттирилмоқда. Хивалик Дилмурод Оллоберганов раҳбарлигидаги “Хива Қоракўл” фер- мер хўжалигида ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар ҳам сўзи- мизни тасдиқлайди.

– Ёш фермер Дилмурод ажойиб янгиликка қўл урди, – дейди Хива тумани ҳоким- лиги вакили Олимбой Ота- жонов. – У Ичанқалъа ва Ди- шанқалъани рамзий маъно- да, замонавий ва қадимий услубларни қўллаган ҳолда кашф этишдек сермашақат ишни зиммасига олди. Энг тажрибали усталарни топиш учун гоҳ машинада, гоҳ яёв юрди, сўраб-суриштирди. “Изланганга толе ёр” деган- ларидек, барча нияти аста- секин амалга ошмоқда. Ҳали кўрасиз, бу ердан сайёҳлар- нинг қадами узилмайдми.

Ичанқалъаникига ўхшай- диган тош даровозадан ичка- рига қирамиз. Катта-кичик, бир-бирига туташ қўллар- зилот сув жиполанади. Бир томонда балиқларга омита ем беришга тайёрланаётган ишчилар, бошқа томонда эса қурилиш ишларини олиб бо- раётган бунёдкорлар. Қўл бўйида қад ростлаган қатор уй-мехмонхоналар... Минора- ни қурган бош устани ҳам шу ерда учратдик. У ўзини Ра- шид Машарипов деб таниш- тириди. Минора қуриш бора- сида анча тажрибага эга экан.

– Бу минора мазкур маж- муанинг рамзи – бош иншо- ти бўлиб қолади, – дейди Рашид уста. – Баландлиги 36 метр. Айланасининг бошла- ниш эни 10 метр. Қумда, бар- ханлар бағрида иморат бунёд этиш учун, аввало, унинг пой- девори ўта мустаҳкам бўли- ши, одатдаги текис ерда қуриладиган иншоотлардан пойдевори икки баравар пастдан бошланиши керак. Ичанқалъадаги миноралар қурилишини пухта ўрганиб, шунга яраша иш тутдик. Ми- нора юқорига томон аста-се- кин ингичкалашиб боради. Қўқ-оқ кошнлар сарғиш- қизил махсус ёшт белбоғлар билан айлана ҳолида ўзаро туташиб, ўзгача безаклар ҳосил қилган. Миноранинг ич- наридаги зиналар орқали тепага кўтарилиб, бемалол ён-атрофи томоша қилиш мумкин. Миноранинг қурили- шда қатнашган Нодир Ма- шарипов, Фаррух ва Хушнуд Абдуллаевлар ҳозирги кунда ҳам фидойийлик кўрсатяпти. Минорадаги кошнларни тажрибали қўллар Рустам- бер Тохирбеков, Оллоназар Саъдуллаевлар тайёрлаб бе-



ришди. Кошнларда ўзига хос нақшлар мижасам. “Хива Қоракўл” фермер хўжалигининг бевосита фао- лиятига тўхтапсак. У энди- ликда кўп тармоқли фермер хўжалигига айланиб бора- япти. Бундан уч йил илгари фақат балиқчиликка икти- сослашган ҳолда ташкил этилган бўлса, эндиликда хўжалик аъзолари пахтачи- лик, богдорчилик билан ҳам шуғулланияпти. Яқинда бу ерда сервис хизмати кўрса- тиш ҳам йўлга қўйилади. Шу мақсадда экотуризм йўнали- ши бўйича кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишлари олиб боришмоқда.

– Хоразмнинг бетакрор табиати, ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёси сайёҳлик- нинг муҳим тармоғи – эко- туризмни жадал ривожлан- тириш имконини беради, – дейди “Ўзбектуризм” мил- лий компаниясининг Хоразм вилояти минтақавий бўли- ми бошлиғи Одибек Раҳи- мов. – Жонқуяр ва серғай- рат фермер, эндигина ўттиз ёшдан ошган Дилмурод Ол- лобергановнинг мазкур йўналишда тадбиркорлик

фаолиятини йўлга қўйгани эътиборлидир. Яқин кела- жакда бу ерга жаҳоннинг турли мамлакатларидан ташриф буюрган сайёҳлар экотуризм ресурсларидан унумли фойдаланган ҳолда балиқ овлаш, қумда ов қилиш, отда, қайиқда сайр қилиш, шунингдек, бу ерда бунёд этилган уй-мехмонхо- наларда яшашлари мумкин. Чиндан ҳам бир пайтлар ташландиқ бўлган “Қоракўл” худуди бугунги кунга келиб, ажойиб манзара кашф этиб бораётганининг гувоҳи бўлдик. Зилол суви қўл бўйидаги сўйлар қум бағ- рида мароқли дам олиш им- конини берса, ошхоналар- да сайёҳларга турли миллий таомлар тайёрланади. Бар- ханлар бағрида ташкил этилган меҳмонхона миллий ва замонавий тарзда беаза- тилган. Ювиниш хоналари гигиеник талаблар даража- сида. Телефон, телевизор, советикчи ва иситкилар мав- жуд. Компьютерларнинг ин- тернетга уланиши режалаш- тирилмоқда.

– Худудимиз 120 гектар- ни ташкил қилади, – дейди

Д.Оллоберганов. – Қўллар сатҳини кенгайтирдик. Яқинда “Қоракўл”га туташ “Оқ қўл” ҳам бизнинг тасар- руфимизга ўтди. Ундан таш- қари, теварак-атрофдаги майда қўлларда ҳам тоза экологик муҳитни юзага келтирдик. Энди қўллар бўйида сайёҳлар бемалол балиқ овлашлари, дам олишлари учун шароит яра- тилади. Савдо, маданий, маъшии хизмат шохбача- лари, бозор фаолият кўрсата- ди. Хорижлик ҳамкорлар би- лан қўша корхона очиб, дудланган балиқ, балиқ кон- серваси тайёрлашни йўлга қўймоқчимиз. Бу билан қишлоқ аҳолиси учун янги иш ўринлари яратилади, одамларда экологик мада- ният шаклланади ва ривож- ланади. Сайёҳлик мажмуа- мизда фақат ёзда эмас, йил- нинг тўрт фаслида ҳам хиз- мат кўрсатилади. Бу эса ту- ризм, айниқса, унинг ахрал- мас қисми экотуризм риво- жига, бинобарин, турмуш фаровонлигини янада яхши- лашга қўшган ҳиссамиз бўлади.

Абдулла САФОЕВ

«О!» ВОҒДАНТИРАДИ

Ёнғинларнинг олдини олишда аҳоли ўрта- сида кенг қўламдаги тушунтириш ишлари- ни олиб боришнинг аҳамияти катта. Бу борада ёнғин хавф- сизлиги ҳодимлари- нинг хизмати бекиёс. Айнан ёш болалар билан боғлиқ ёнғин чиқиши ҳолатлари- нинг олдини олиш учун соҳа ҳодимлари қандай тадбирларни амалга оширишлари керак?

БОЛАЛАР ҲАМ БИЛИШ ЗАРУР

Бу ўринда ёнғин хавфсиз- лиги хизмати ҳодимлари доимий равишда хонадон- ларда бўлиб, ёнғинларга са- баб бўлувчи ҳолатларни аниқлаш, катталар билан ҳамжамлашда бу нуқсон- ларни ўз вақтида бартараф этиш, мана шундай камчи- ликларнинг қандай салбий ҳолатларга олиб келишини тушунтиришга алоҳида эъти- бор қаратишлари лозим. Чунки, содир бўлаётган кўнгилсизликлар, энг аввало, ёнғин хавфсизлиги қоидала- рини билмасликдан ёки уларга амал қилмасликдан келиб чиқади. Шу боис, мак- таб ва мактабгача таълим му- ассасаларида кичкинтойлар- га ёнғин хавфсизлиги бўйи- ча муҳим бўлган қоидаларни ўргатиб борилиши шарт. Ай- ниқса, ёш болаларга фақу- лодда ёнғин содир бўлган ҳолларда қандай ҳаракат қилиш лозимлигини ўргатиш зарур.

Юқоридаги каби тадбир- лар Бектемир тумани ИИБ ЁХБ инспекторлари томони- дан ҳам доимий равишда ўтказиб келинмоқда. Туман- даги мавжуд корхона ва таъ- лим муассасаларида ёнғин- нинг олдини олишга қарат- илган учрашувлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, айни пайтгача жойларда ана шун- дай тадбирлардан 96 таси бўлиб ўтди.

Бир нарсани унутмайлик, болаларга ёнғин хавфсизли- ги қоидаларини қанчалик эрта ўргатсак, юз бериши мумкин бўлган офатларнинг олдини олишга шунчалик кўп ҳисса қўшган бўламиз.

Д. МАМБЕТОВ,
Бектемир тумани ИИБ ЁХБ инспектори кичик сержант.

БАРЧА ТУРДАГИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖНИРИНГ КОМПАНИЯСИ 2014 ЙИЛ МАНЗИЛЛИ ДАСТУРИГА КИРИТИЛГАН ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШINI ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ЛОТ № 32:
Лот № 32-1. “Жиззах вилояти Фориш тумани «Амангелди-1» кол- лекторидида қувурли ўтказгич иншо- ти қурилиши”.
Бошланғич қиймати: ҚҚСсиз 124,580 млн. сўм, ҚҚС билан 149,496 млн. сўм. **Ишларни тугаллаш муд- дати:** 2014 йил 25 декабргача.
Лот № 32-2. “Жиззах вилояти Мирзачўл тумани «Тошкент» СФУ- да «21-К-18» коллекторидада қувур- ли ўтказгич иншооти қурилиши”.
Бошланғич қиймати: ҚҚСсиз 106,701 млн. сўм, ҚҚС билан 128,041 млн. сўм. **Ишларни тугаллаш муд- дати:** 2014 йил 25 декабргача.
Лот № 32-3. “Жиззах вилояти Фориш туманидаги 5 донга кузатув миноралари қурилиши”.
Бошланғич қиймати: ҚҚСсиз 359,121 млн. сўм, ҚҚС билан 430,945 млн. сўм. **Ишларни тугаллаш муд- дати:** 2014 йил 25 декабргача.
Молиялаштириш вилоят маҳал- лий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.
Буюртмачининг манзили: Жиз- зах шаҳри Ш.Рашидов шоҳ қўчаси 100-уй. Телефон: (8-372) 222-46-40, 222-26-41.
Диққат! Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 феврал- даги ПҚ-1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси- нинг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сон-

ли қарорларига асосан бошланғич қиймати 500 млн. сўмгача объектлар бўйича танлов савдолари фақат ки- чик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.
2014 йил 1 июлдан бошлаб мар- казлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишла- рини баҳарлиш бўйича танлов савдо- ларида фақат қурилиш-пудрат ташки- лотлари Реестрига киритилган таш- килотлар иштирок этишларига руҳсат берилади.
Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари ке- рак: танлов савдоси предметининг 20 % миқдоридидаги айланма маблағ- ларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағ- ларни беришга банк кафолатномаси- га, ишлаб чиқариш базалари, ишлар- ни баҳарлиш учун зарур бўлган меҳ- нат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий мала- кага, молиявий имкониятларга, шарт- нома тузиш юзасидан фуқаролик-му- омала ҳуқуқий лаёқат ва ваколат- ларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишонч- ли бўлишлари шарт.
Танлов савдосида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иш- тирок этганда уларнинг танлов тақлифлари баҳоланаётганда ма- ҳаллий пудратчилар учун қуйида-

SOTILADI:
QOQ'OZ
OFSET 55,70. 80 gr.
ETIKETKALAR uchun (UPM Finlyandiya) 80 gr.
MELOVANNAYA 90, 115, 128, 148, 170, 200, 250 gr.
QADOQLASH UCHUN (KRAFT) 60, 70, 80 gr.
QOQ'OZ QOPCHALAR UCHUN (KRAFT) 60,70 gr.
Shuningdek, QALIN QOQ'OZ
SYELLYULOZA 210, 230, 250, 270, 300 gr.
DYUPLYEKS 250, 300, 350 gr.
«ABSOLVUTE BUSINESS TRADE» XK
xizmat ko'rsatadi
Mahsulotlar sertifikatlangan
Xizmatlar litsenziyalangan
+99895 194-00-14,

ПРОДАЁТСЯ:
БУМАГА
ОФСЕТНАЯ 55, 70, 80 гр.
ЭТИКЕТОЧНАЯ (UPM Финляндия) 80 гр.
МЕЛОВАННАЯ 90, 115, 128, 148, 170, 200, 250 гр.
УПАКОВОЧНАЯ (КРАФТ) 60, 70, 80 гр.
МЕШОЧНАЯ (КРАФТ) 60, 70 гр.
А также, КАРТОН
ЦЕЛЛЮЛОЗА 210, 230, 250, 270, 300 гр.
ДЮПЛЕКС 250, 300, 350 гр.
Услуги оказывает:
ЧП «ABSOLVUTE BUSINESS TRADE»
Товары сертифицированы
Услуги лицензированы
+99898 362-91-11

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖНИРИНГ КОМПАНИЯСИ				
2014 йил манзилли дастурига киритилган қуйидаги объектлар бўйича танлов савдолари ўтказилиб бош пудратчи ташкилотлар аниқланганлигини ҳамда танлов ҳисоботлари «Давархитектурақурилиш» кўмитаси билан келишилганлигини маълум қилишди				
№	Объект номи ва жойлашган манзили	Танлов савдосида ғолиб деб топил- ган ташкилот	Шартнома нархи	Қурилиш муддати
1	Самарқанд шаҳридаги қўзи ожизлар махсус ахборот-ресурс маркази биносини реконструк- ция қилиш.	«Сам механик қўчма қарвон» МЧЖ	503 150 452	149 кун
2	Самарқанд шаҳридаги Рухобод мақбараси атрофини реконструк- ция қилиш ва ободонлаштириш.	«Самарқанд тонг шабодаси» МЧЖ	2 808 013 600	195 кун
3	Нуробод тумани пенсия жамғарма- си учун икки қаватли 22х12м. ўлчамли маъмурий бино қурилиши.	«Ургут Қурилиш Дизайн» МЧЖ	911 742 874	180 кун
4	Ургут тумани Қуйи Алғар қишлоғи- даги маданият ва аҳоли дам олиш марказини капитал таъмирлаш.	«Бинокор Қурувчи» ХК	409 500 000	120 кун
5	Пайариқ тумани пенсия жамғарма- си учун икки қаватли 22х12м. ўлчамли маъмурий бино қурилиши.	«10-Қишлоқ қурилиш корхона- си» МЧЖ	882 400 732	170 кун
6	Пастдарғом тумани “Тор-арик” қишлоқ фуқаролар йиғини Боғонали қишлоғида 50 қатновга мўлжалланган қишлоқ врачлик пункти қурилиши.	«Матлюба Умида» МЧЖ	405 074 890	140 кун
7	Иштихон тумани “Зарбанд” қишлоқ фуқаролар йиғини Зарбанд қишлоғида 50 қатновга мўлжалланган қишлоқ врачлик пункти қурилиши.	«Зоир – Мансур» ХК	415 016 151	100 кун
8	Каттақўрғон тумани Қадан маҳалласидаги маданият ва аҳоли дам олиш марказини капитал таъмирлаш.	«Маъруф Жалил» МЧЖ	447 852 745	120 кун
9	Ургут туманидаги “Янгиариқ” ҚФЙ “Мирзабоғлон-Чеп” маҳалла фуқаролар йиғини биносини реконструкция қилиш.	«Бунёдкор» МЧЖ	144 494 675	85 кун
10	Иштихон тумани Иштихон шаҳри- да Наврўз қўчасида ёш оилалар учун 4 қаватли 64 хонадонли уй- жой қурилиши.	«Мега Темир Бетон» МЧЖ	5 043 043 000	260 кун
11	Пастдарғом тумани “Бешқахрамон” ҚФЙ “Оптиқахрамон” МФЙ худуди- да ёш оилалар учун 4 қаватли 64 хонадонли уй-жой қурилиши.	«Пастдарғом сифат қурилиш» ХИТКК	5 004 294 750	8,5 ой
12	Самарқанд шаҳридаги Самарқанд давлат архитектура қурилиш институтининг 2-сонли ётоқхона биносини капитал таъмирлаш.	«Жозмон қурувчи- си» ХК	988 509 800	165 кун
13	Жомбўй туманидаги “Тут” маҳалла фуқаролар йиғини биноси қурилиши.	«Баҳодир-А» ХК	311 407 488	120 кун
14	Жомбўй шаҳри “Тошкент” МФЙ худудида ёш оилалар учун 4 қаватли 64 хонадонли уй-жой қурилиши.	«Ниятбек қурувчи» ХК	5 004 414 090	8,5 ой
15	Самарқанд шаҳридаги вилеят онкология диспансерининг жарроҳлик бўлимини реконструк- ция қилиш.	«Баҳодир-А» ХК	496 158 246	45 кун
16	Каттақўрғон туманидаги 624 ўқувчи ўринли 25-сонли мактаб- ни капитал таъмирлаш.	«Нарпай Нурли Тонг» МЧЖ	413 736 579	60 кун

ДУНЁ ТАВХАРИ, ШАРҚ МАРВАРИДИ



(Боши 1-саҳифада)

Бу тарихий обидалар атрофида гўзал боғ ва хиёбонлар барпо қилинди. Натижада нафақат халқимизнинг, балки бутун инсониятнинг бебаҳо бойлиги бўлган ушбу обидалар 2001 йилда ЮНЕСКО томонидан Жаҳон мероси рўйхатига киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини И.Каримовнинг 2006 йил 25 июлдаги "Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори эса бу борадаги ишларни янада жонлантирди. Шарқ дурдонаси бўлган қадимий шаҳарни яна бир бора бўйбаста билан жаҳон саҳнасига чиқарди. Жаҳоннинг нуфузли университетларидан таширф буюрган тарихчи олимлар маҳаллий ҳамкасблари билан ҳамкорликда Афросиёб тепаликларидан изланиш олиб боришди. Археологик тадқиқотлар эса Самарқанднинг 2750 йилдан зиёд тарихга эга эканини исботлади. ЮНЕСКО Бош конференцияси ҳамда давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорига асосан 2007 йилда Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди. Қадимдан дунё нигоҳини ўзига тортиб келган бу муқаддас замин, бугунги кунда ҳам барчанинг диққат эътиборида. Ил – ўн икки ой Самарқанддан хорижлик сайёҳлар қадами узилмайдиган. Шу ўринда жорий йилнинг июль ойида Америкадаги танкили "The Huffington Post" наشري томонидан эълон қилинган "Албатта бориб қўриш лозим бўлган дунёнинг 50 шаҳри" рўйхатида Самарқанднинг борлиги ҳам қалбларни фахрга тўлдирди.

Мустақиллик боис, яшариб бо-

раётган азим Самарқанд кўп-лаб халқаро ва нуфузли анжуманларга мезбонлик қилмоқда. Шу йилнинг 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро конференция бу заминнинг жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссасини яна бир бор рўй-рост дунёга кўрсатди. Президентимиз халқаро конференциянинг очилишида сўзлаган нутқида анжуманнинг мазмун-моҳиятига тўхталиш баробарида Самарқандга ҳам алоҳида таъриф берди: **"Кўхна ва ҳамisha навқирон Самарқанд шаҳри бетақдор шарқона руҳи ва кийёфаси, бой тарихи, бу ерда сакланиб қолган ноёб, ҳар қандай одамни ҳайратга соладиган обидалари билан сайёрамизнинг турли ўлкаларида афсонавий шаҳар сифатида маълуму машҳурдир. Мовий гўлбазлари миллионлаб сайёҳларни ўзига мафтун этадиган Самарқанднинг Рим билан бир қаторда "абадий шаҳар" деган ном билан бутун дунёда шўх-рат қозонган бежиз эмас, албатта".**

Халқаро конференция иштирокчиларининг Самарқанд ва бу ерда яшаб, илму фан тараққиётига муносиб улуш қўшган алломалари ҳақидаги фикрлари ҳам эътирофга лойиқ. Нидерландиялик профессор Роберт ван Гент шундай дейди: **"Мирзо Улугбек астрономия ривожига қийёс ҳисса қўшган буюқ алломидир. Бу – бутун дунё олимлари неча асрлардан буюн эътироф этиб келадиган ҳақиқат. Улугбек расадхонаси Самарқанддаги XV**

аср меъморийчилигининг нодир намуналаридан".

– Мамлакатингизга илк марта 1998 йилда келганим, – дейди Жанубий Кореядан таширф буюрган олим Ёнг Хи Кан. – Ўтган даврда юртингизда тил билан таърифлаб бўлмайдиган ўзгаришлар содир бўлибди. Самарқанддаги Регистон ансамбли, Амир Темури мақбаси, Улугбек расадхонаси ва бошқа тарихий обидаларнинг бетақдор меъморий услуби асл ҳолида сакланиб келинаётгани менда катта таассурот қолдирди.

Шунингдек, республикада 5-6 июнь кунлари "Ўзбекистонда озик-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари" мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларининг айнан Самарқанд шаҳрига туташ Самарқанд туманидаги боғларга ҳамда ишлаб чиқариш объектига қилган саёҳатлари ҳам бежиз эмас, албатта. Анжуман иштирокчилари саёҳатлари мобайнида Самарқанд шаҳрида бўлишиб, унинг бетақдор ва бетимсол тарихий обидаларини томоша қилишди. Тарихда шаҳар атрофини ўраб турган Амир Темури боғлари ҳақида маълумотлар олишди, асосийси уларнинг айримлари ҳозирда ҳам мавжудлигидан ҳайратга тушибди.

"Ўтмиши шарафли, бугуни саодатли, келажаги абадий шаҳар". Ушбу ибора Президентимиз томонидан Самарқанд шаҳрига берилган юксак таъриф эканлигини барча юрдошларимиз яхши билишди. Мазкур кутлуг маскан дунё тамаддунининг бешиги сифатида ном қозонган. Амир Темури, Мирзо Улугбек, Имом Бухорий, Имом Мотуридиди, Алишер Навоий каби азиз-авлиёлар, мўътабар зотларни бағрида улғайтирган. Шу

боисдан ҳам бу тупроқ дунё ҳам-жамиятининг эътиборини ўзига тортаверади. Яқиндагина бу қадим ва ҳамisha навқирон шаҳарда БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси очилди. Халқаро анжуманда АҚШ, Франция, Германия, Хитой, Жанубий Корея каби туризм ривожланган ўлалб мамлакатлардан мутахассислар, туризм ташкилотлари раҳбарлари, экспертлар иштирок этди. Анжуман иштирокчилари Самарқандда мустақиллик йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишларига муносиб баҳо бериш қаторида, шаҳарнинг улкан сайёҳлик салоҳиятини, соҳада кадрлар тайёрлаш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишларни эътироф этишди.

Чиндан-да, шаҳарда амалга оширилаётган ишлар ажодларнинг бунёдкорлик борасидаги аъналарига ҳамоҳанг. Буни янгидан барпо этилаётган ёҳуд бутунлай қайтадан реконструкция қилинаётган замонавий иншоотлар ва улар атрофида яратилаётган боғлар, хиёбонлар мисолида ҳам қўриш мумкин. Махобатли обидалар қад кўтарган қадим шаҳарнинг бугунги жамоли чиндан ҳам мўъжизакор кийёфа касб этиб бораёпти.

Истиқлол даврида олиб бориладиган кенг кўламли ислохотлар ва бунёдкорлик ишлари натижасида барпо этилган замонавий корхоналар, мухташам иншоотлар, турар-жойлар, янги таълим ва шифо масканлари, спорт иншоотлари, меҳмонхоналар, кенг кўча ва прос-пектлар, сўлим хиёбон майдонлар, истироҳат боғлари-ю, жаҳон андозасидаги бозорлар, ранг-баранг фавворалар Самарқанднинг кийёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Шаҳарнинг меъморий

кийёфаси ўзининг тарихий жозиба-сини сақлаган ҳолда янгилашиб, узокни ўйлаб тузилган режа асосида изчил ривожланмоқда. Иморатлар бир-бирини тақорламайдиган лойиҳалар асосида барпо этилаёпти. Шунингдек, тарихий обидаларни асл ҳолига таъмирлаш ишлари ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сўнгги йилларда Хўжа Дониёр зиёратгоҳининг жарлик ёқасида, ноқулай жойдалиги ҳисобга олиниб, ушбу масканда кенг кўламли ободонлаштириш ва таъмирлаш ишлари олиб борилди. Унга бориш йўлидаги эскирган бинолар олиб ташланиб, гўзал хиёбон барпо этилди. Бу ерда хунармандларга ўз маҳсулотларини намойиш этиши учун қулайликлар яратилди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Самарқанд Ўзбекистоннинг энг бой сайёҳлик салоҳиятига эга бўлган шаҳарларидан бири ҳисобланади. Ушбу тарихий шаҳар, неча асрлардан буюн турли мамлакатлар халқларининг диққат-эътиборидан тушмай келаяпти. Самарқандга ошuftа бўлганлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Самарқандда туризм ривожлантиришнинг янги босқичи бошланди. Дастлабки йилларда бор йўғи 2-3 та меҳмонхона ва 3-4 та сайёҳлик фирмалари фаолият кўрсатган бўлса, бугунга келиб, вилоятда туризм фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқига эга бўлган 80 дан зиёд сайёҳлик фирмалари ва 90 га яқин меҳмонхоналар вужудга келди. Улардаги ўринлар сони тўрт мингдан ошди. Вилоятда туризмни ривожлантиришнинг 2014-2015 йилларга мўлжалланган Дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унда туризм салоҳиятидан янада кенгрок фойдаланиб, сайёҳлар сонини кўпайтириш, туризм инфратузилмасини ривожлантириш, хизматлар тури ва сифатини янада ошириш, сайёҳликнинг янги йўналишларини жорий қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Меҳмонларга қулайлик яратиш мақсадида "Тошкент – Самарқанд" шаҳарлари оралиғида "Афросиёб" тезорар поезди қатновининг йўлга қўйилиши ҳам муҳим воқеа бўлди. Шаҳар бағридаги зиёратгоҳ, муқаддас гўшалар ҳамisha сайёҳлар билан гажувм. Каерга йўлнинг тушмасин Самарқанднинг кўрку тароватига ҳайрат ва ҳавас билан термулиб, ундан баҳра олаётган хорижликларга дуч келасиз.

Мухтасар айтганда, қадимий ва ҳамisha навқирон, саодатли Самарқанд салоҳияти йилдан-йилга юксалиб, шаҳар ўтмиши, бугуни ва келажаги уйғуналишиб бораёпти.

Ақбар ҚАРШИЕВ,
"Qishloq hayoti" муҳбири.

Куз неъматлари ичида анор ўзининг шифобахшлиги, дармондорилиги ва хушхўрлиги билан ажралиб туради. Буни қарангки, анор ичидаги доналари қанчалик кўп бўлса, анорнинг шифобахш хусусиятлари ҳам шунча кўп экан.

ДОНАСИДАН ДАВОСИ КЎП

Шарқ табобатида анорнинг илдиқидан тайёрланган шарбат ёки майдаланган анор барги тананинг турли аъзолари лат ёйиши, суяк синишида оғриқ қолдирувчи ҳисобланган. Анор пўстлогининг қайнатмасидан ич кетганда фойдаланилган, анор гулларидан тайёрланган буглама эса яраларга малҳам бўлади.

Ибн Сино анорнинг қатор шифобахш хусусиятларини санайди. Унинг таъкидлашча, асалга қўшилган анор уруғлари битиши қийин яраларга малҳам бўлади. Анор тиш ва қулоқ оғриғини босади. Анор шарбати ичак касалликларига даво бўлиб, турли яллиғланишларни тез тазатади.

Анорнинг бу хислатлари унинг таркибидagi минераллар ва витаминлар билан боғлиқ. Анорнинг илди-зи, танаси ва пўстлогидан алкалоидлар мавжуд. Бута танасининг пўстлогини ва баргларидан бегулинат кислотаси бор. Меваларининг пўстида эса 28 фойизга қадар ошловчи моддалар бўлади. Шунингдек, анор мевасида 20 фойизгача қанд, 4-10 фойиз глюкоза ва органик кислоталар, фойдали унсурлар кальций, калий, фосфор, марганец, магний ҳамда одам организмда қон ҳосил қилувчи темир моддаси бор. Мевасининг 9



фоизини лимон кислотаси ташкил этади. Эътиборлиси, айна шу жиҳати билан у лимондан ҳам устун турар экан. Анор мевасидан тайёрланган шарбат даммалар дармондорига бойлиги билан ажралиб туради. Анорли даммаларга асал қўшиб истеъмол қилинса, у кўнгил беҳузур бўлиши ва тинка қуришининг олдини олади. Агар анорнинг суви-га шакар, райхон гули қўшиб киём тайёрланса, иштаҳани очиб, кўнгилни раванлаштирар экан. Анорнинг қуриган пўсти қайнатилиб, даммала тайёрланса, у йўғон ва ингичка ичак яллиғланишида самарали даво бўлар экан.

Дарҳақиқат, анор унчалик тўйимли мева бўлмасадик, унда инсон организм учун керакли витаминлар кўп. Шу боис ҳам замонавий тиббиётда анор меваси, пўстлоқлари, гуллари ва уругидан хасталикларни даволашда зарур бўладиган воситалар олинади.

Ибн Сино бу мевага "соғломлик ва гўзаллик меваси" дея таъриф берган. Анжир таркибида 57-77 фойиз қанд, органик кислоталар, оксил, пектин ва минерал тузлар бор.

СОҒЛОМЛИК ВА ГЎЗАЛЛИК МЕВАСИ

Бу неъмат жигар, талок, ўпка шомоллашини даволашда ишлатилиб, тананинг ичак фаолиятини яхшилайдиган. Анжир меваси ва қоқисидан тайёрланган даммала йўтални тўхтатишга, балғам қўчиришга ёрдам беради. Шарбати билан асал омхтаси кўш шомоллашга фойдалидир. Томоқ шомоллаганда анжир даммаласи билан гаргара қилинса, ижобий натижа беради.

Бундан ташқари, анжир қонни тозаловчи, юз рангини тиниқлаштирувчи мевалардан саналиб, унинг сув ёки судгаги қайнатмасидан шомоллаш ва нафас олиш йўлларидаги яллиғланишни даволашда фойдаланилади. Ангина ва мллқлар яллиғланганда ушбу қайнатма ёрдамида чайилади.

Калий моддасига бой бўлган анжир юрак, қон-томир касалликларига ҳам самарали воситадир. Анжир мевалари енгил ични сурадиган хусусиятга эга бўлиб, қучли юрак урушини меъерга келтиради ҳамда



қон ишлаб чиқарувчи яхши восита ҳам ҳисобланади. Бу мевани анемия хасталигида, томоқ ва жигар касалликларига катта наф келтиради. Унинг сутли ширасини қабул қилиш бўйрақдаги қўмни ювиб чиқариб, қийин йўқоладиган ўсма-лар, йирингли яраларда тавсия этилади.

Аммо эсда тутиш лозимки, бу мевани қандли диабет ва ошқозон-ичак трактининг ўткир яллиғланишида истеъмол қилиш тавсия этилмайди. Чунки унинг таркибида катта миқдорда қандлар ва шовул кислотаси бор. Яна анжир меваси пишиб этилган, олти соатдан ортиқ сақланмаслигини эсда тутиш лозим. Анжирнинг энг яхшиси қоқлиб, сўнгра узиб олинганидир.

Дўлана таркибида 20 фойиз қанд, 8 фойиз ёғ, флавоноидлар (гиперозид, кверсетин, витексин), фитостеринлар, холин, асетилхолин, ошловчи моддалар, каротин, витамин С, органик кислоталар мавжуд бўлиб, ўсимлик гулларида ушбу моддалардан ташқари, 0,16 фойизга яқин эфир мойлари бор.

ДАРДГА МАЛҲАМ ДЎЛАНА

Халқ табобатида дўланадан толиқим, ҳорғинлик, уйқусизликда даво сифатида фойдаланилган. Ибн Сино дўлана мевасини ич кетишини тўхтатувчи восита сифатида тавсия этган.

Дўлананинг шифобахш хусусиятларидан замонавий тиббиётда ҳам кенг фойдаланилади. Унинг спиртли настойкаси ва экстрактини шифокорлар ангионевроз (қон томирларининг неврози, қон томирларининг функционал касаллиги), юрак фаолиятининг бузилиши, қон босимининг ортиси, юқумли касалликларга чалинган беморлар юрагининг қувватсизланиши, танглай муртақларининг яллиғланиши каби касаллик билан оғриган беморларга ичишни тавсия қиладилар.



Дўлана меваси юрак мушакларининг қисқаришини яхшилайди, унинг безовталанишини, қондаги холестеринни камайтиради. Шунингдек, сут безларининг фаолиятини яхшилайди. Дўлана 30-40 кунгача сақланиши мумкин. Ундан уй шароитида хонаки киём тайёрланади. Дўланадан тайёрланган қайнатма шарбатни чой ўрнида ичса ҳам бўлади.

Дурдона МУХТОРОВА
тайёрлади.

Қорақалпоғистон Республикаси

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қонлиқул тумани кенгашида "Бўлажак депутат" лойиҳаси доирасида "Муаммоларни ҳал этишдаги иштироким" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

ЁШЛАР ВА САЙЛОВ

Давра суҳбатининг асосий мақсади, партиянинг дастурий мақсад ва гоёларини ёшлар ўртасида тарғиб қилиш, уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, бўлажак сайловлар учун ёш номзодларни тайёрлаш ва уларни қўллаб-қувватлашда иборат бўлди. Тадбирда иштирокчиларга миллий сайлов тизимининг мазмун-моҳияти, жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашларида бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик ишлари бўйича батафсил маълумот берилди.

Давуд АБИБУЛЛАЕВ

BELARUS CENTER belarus-tractor.com mtz.uz

В наличии

Товары лицензированы

Тел: (+998 90) 972-11-22 (+998 90) 129-86-00

Поставка и продажа тракторов МТЗ и сельхоз.техники производства Беларусь.

Гарантия Лизинг

Приглашаем к сотрудничеству региональных дилеров.

Тел: (99895) 77-08-50, (99895) 170-08-50.

Заводские запчасти для тракторов МТЗ Производство Беларусь

Тел: 99895 170-32-52

Продажа всех видов шин для грузовых и сельскохозяйственной техники.

Приглашаем к сотрудничеству региональных дилеров.

Тел: (99895) 199-10-33, (99893) 377-13-95.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ	МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агротехника комплекси таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.	ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Шухрат ТИШАЕВ, Улугбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулло ЮНУСОВ, Фарход ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОВ, Абдуваҳоб ТАМИКАЕВ, Махмууд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анавар ҚУЛМУРДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Бақидир ХОЛИҚОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Мухиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул қотиб).	Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. ISSN 2010-7021 Ч 720107020071	ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-26-50, Қотибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Мазнавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-44-43, Факс — 233-44-43, 233-09-93. ХУДОДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси — (+99890) 592-62-04; Вилоятлар: Андижон — (+99893) 630-73-03; Бухоро — (+99891) 401-29-59; Жиззах — (+99890) 310-06-99; Навоий — (+99891) 332-00-88; Наманган — (+99890) 278-95-87; Фарғона — (+99890) 407-76-03; Самарқанд — (+99893) 994-57-08; Сирдарё — (+99894) 168-23-60; Сурхондарё — (+99890) 519-86-50; Тошкент — (+99890) 976-39-58; Хоразм — (+99890) 438-71-25; Қашқадарё — (+99891) 635-08-03.	РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 236-26-50, 233-28-04.	Навбатчи муҳаррир: Р.СУЯРОВ Масъул: Х.АБДУГАНИЕВ Дизайнер: Ф.ТОИРОВА
--	---	--	--	--	---	---